# ЧЕГАРАДА ТОВАРЛАР ЯРМАРКАСИ

**_Андижон вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан Хўжаобод туманидаги "Дўстлик" божхона мажмуи ҳудудида Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилган халқ истеъмол моллари ва маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилди._**

- Савдо ярмаркасининг мақсади бозорни "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси босилган товарлар ва маҳсулотлар билан тўлдиришдан иборат, - деди вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Н. Жўраев "Туркистон-пресс" мухбирига. – Юртдошларимизни Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилаётган товарлар, кичик ва ўрта бизнес ривожи тўғрисида, шунингдек маҳсулотларимизни рақобатбардошлигидан яхши хабардор қилишимиз зарур. Биз харидорларни ўзимизда ишлаб чиқилган маҳсулотларни сотиб олиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқлигига ишонтиришни истаймиз. Зеро, водий аҳолисининг аксарияти арзон моллар қидириб Қирғизистон жанубидаги шаҳарларнинг улгуржи бозорларига танда қўяётгани сир эмас. Шу билан бир вақтда ўзимизда хорижникидан ҳам сифатли, турли-туман товарлар ишлаб чиқарилаётганлиги ҳам айни ҳақиқатдир.





**Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "2-Чарх—Комолон" маҳалласида тадбиркорлик билан шуғулланувчилар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, маҳалла қошида ишлаб турган чинни буюмлар цехининг ишлари алоҳида эътиборга молик. Унда ҳозир ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулот харидоргирлиги билан кўпчиликка манзур бўлаяпти.**

**_СУРАТЛАРДА: 1.Цехнинг моҳир наққоши Акмал Расулов; 2.Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зоҳид Отаметов (чапда) цех бошлиғи Дилмурод Солиҳов билан._**

**Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.**

# ЭЪТИБОРГА САЗОВОР

**Республика ўқувчилар саройида "Мактабдан ташқари таълим муассасаларида миллий педагогик қадриятлар ва илғор тажрибалар асосида дастурни жорий этиш" мавзуида анжуман ўтказилди.**

Ҳозирги кунда келажак авлоднинг етук, комил шахс бўлиб етишиши борасида мамлакатимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Болаларнинг бўш вақтини ташкил этишда мактабдан ташқари муассасалар ўз ўрнига эга. Ушбу тўгараклар фаолиятини жонлантириш, уларнинг бугунги кун талабига жавоб беришини назорат қилиш лозим. Тадбирда барча вилоятлардаги мактабдан ташқари таълим муассасаларининг масъул назоратчилари иштирок этишди.

– Анжуманда болалар ижодиёт марказларининг бадиий эстетик, экологик, техник ва саёҳат йўналишлари муҳокама қилинмоқда, – деди Халқ таълими вазирлигининг маънавий ва маърифий ишлар бошқармаси услубчиси Камолиддин Жўрабоев "Туркистон-пресс" мухбирига. – Шунингдек, ҳар бир марказ ўз иш режасини тузиб, унда вилоятларда ёш боғбон, мироб, иқтисодчи, тадбиркор, маркетинг, менежмент, банк ва солиқ иши каби махсус тўгараклар ташкил қилишни режалаштирганмиз. Айни кунда Бухоро вилояти Жондор тумани, Наманган ва Тошкент шаҳри ижодиёт марказларининг фаолияти алоҳида эътиборга сазовордир.

Тадбирда республикамизнинг фаол ижодиёт марказлари директорларига фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

## ҲИКМАТ ДУРДОНАЛАРИ

**Қадим замонларда ҳукмронлик қилган Нўширавони Одил деган подшоҳнинг элулус учун қилган эзгу ишлари ҳозиргача халқ орасида оғиздан-оғизга кўчиб юради. У бир куни адолатнинг чексизлигидан инсонларга фойда келтирадиган насиҳатлардан иборат дастуриламал тузишни истади. Сўнг замона донишмандларини тўплашни буюрди. Улардан йигирма уч донишмандни танлаб олиб, уларга: — "Ҳар бирингиз бирор ҳикмат айтишингиз керак, токи бизлар ўз замонамизда фойдаланайлик ва биздан кейингиларга ҳам ёдгор бўлиб қолсин", — деди. Сўнгра донишмандлар Нўширавоннинг мажлисига тўпландилар ва ҳар бири ҳикматли сўз айтдилар. Жами инсонларнинг диний ва дунёвий ишлари учун йўл-йўриқлар мужассамлашган йигирма уч ҳикматли гап шу тариқа юзага келди. Қуйида ушбу ҳикматларни Сиз азиз газетахонлар ҳукмига ҳавола этамиз.**

**БИРИНЧИ ҲИКМАТ**

Ўз устингизда ишланг ва илму одоб ўрганишдан тортинманг. Умрингизни нодонликда зое кеткизманг. Агар илму одоб йироқда бўлса ҳам излаб топинг. Ҳар қандай буюмни ҳам, молу дунёни ҳам илмдан улуғ ҳисобламанг. У дунёнинг ҳам ғамини енг. У дунёни бу дунёга сотманг. Айтишга нолойиқ нарсаларни гапирманг, излашга нолойиқ нарсаларни қидирманг.

**ИККИНЧИ ҲИКМАТ**

Донишмандлар насиҳатини хор тутманг. Бирор иш устида шошилманг. Баъзи ишларнинг вақтини ўтказманг. Ишни ишбилармонларга топширинг. Оқибати зиёнли ишлардан эҳтиёт бўлинг. Бирор ишнинг орқа олдини ўйланг. Донишмандлар билан машварат қилинг. Синалган нарсани қайта синаманг. Кексаларнинг сўзини ҳурмат қилинг.

**УЧИНЧИ ҲИКМАТ**

Беозорликни ўзингизга касб айланг. Ўзингизни тақводорликда танитинг. Хурсандликни бойлик деб билинг. Ориятнинг қадрига етинг. Ўзингиз ҳаққингизда яхши ном орттиринг. Бировнинг ғаму ташвиши вақтида ўзингизни шодмон қилиб кўрсатманг.

**ТЎРТИНЧИ ҲИКМАТ**

Дарду балога йўлиққанлар сизга ибрат бўлсин. Ўз вақтида содир бўлган зиённи бевақт келган фойдадан афзал билинг. Одамлар билан муросаи мадора қилинг. Ҳар жойда мадора билан бўладиган ишда тезлик қилманг. Дўсту душман билан иноқ бўлинг. Ўз андозангиздан ташқари оёқ қўйманг.

**БЕШИНЧИ ҲИКМАТ**

Ишларни ўз андозангизда бажаринг. Ўз қўлингизда тутган нарсани йўқотманг. Эҳсонингизни бировдан дариғ тутманг. Қўл ва тилингизни доимо тийиб юринг. Оқибати ёмон ишлардан узоқ бўлинг. Ёмон ҳамсуҳбатдан қочинг.

**ОЛТИНЧИ ҲИКМАТ**

Ўғри ва йўлтўсарларнинг ризқини кесинг. Ёмон қўшнидан қочинг. Йўлдошсиз сафарга чиқманг. Нокаслар ва бадасллар билан йўл юрманг. Бировнинг ерига дарахт экманг.

**ЕТТИНЧИ ҲИКМАТ**

Шўразорга уруғ сепманг. Халқдан ўрнак олинг. Янги бойдан қарз олманг. Бадасллардан қиз олманг. Қадрсизлар билан ўтирманг. Худодан қўрқмаганлардан қочинг.

**(Давоми бор,)**

*Назм гулшани*

# СУБҲИ САБО ДИЛБАР АРДОҒИН ЭСЛАТАР

**Неъмат Ёқубов-журналист, ёзувчи, олим. Унинг ўнлаб қисса, ҳикоялар, очерклар тўпламлари кенг ўқувчилар оммасига маълум.**

**Ҳозирги пайтда ижодкор йирик насрий асарлар яратиш билан бирга назмда ҳам баракали ижод қилмоқда. У "Муҳаббат-етти бахт" деб номланган, йигирма минг мисрадан иборат ғазаллар тўпламини яратди.**

**Азиз газетхон! Қуйида ижодкорнинг янги асарларидан бир шингили Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилди.**

### ДИЛБАРИМ ҚЎЛДА

Муҳаббат завқидан хушнудман доим,
Дилрабо васлида фикру хаёлим.
Тақдирдан шодман, ташвишдан озодман,
Ошиқлар даврасида табаррук жойим.
Бу дунё-жаннат, билмайсан миннат,
Бўлса ёринг мунис, меҳрибон, мулойим.
Мен ошиқларга ибрат учун яралдим,
Мажнун мозоридан олинган лойим.
Севиб, севилганларга жоним фидо,
Мени йўлдан тойдирмасин Худойим.
Ошиқ-мошиқларга бахт тиладим,
Севишганларга очиқ саройим.
Бир юракка икки муҳаббат сиғмас,
Бевафоларга йўқдир сира парвойим.
Сабр қилдим: ғўра-ҳалво, от бўлди тойим,
Дилбарим қўлида шаробдир чойим.

### ДЕРЛАР

Ҳусни- жамолини кўрганлар "оҳ-оҳ" дерлар
Жонон меҳри кимда экан, эй "воҳ", дерлар.
Ишқида ёниб, дунёдан тониб, оқибат,
Фалакка қўлим етмади, ул моҳ, дерлар.
Сабрнинг таги олтин, васлига етар бир кун,
Олисдан кўрай, дилни этмасин сиёҳ, дерлар.
Ҳижронда тўлғониб, тунлар чўчиб, уйғониб,
Ким бўлди ул дилбарга яқин ҳамроҳ дерлар.
Хаёл суриб, тушда ёнида уни кўриб,
Дийдорини яна бир кўрсат, эй Оллоҳ, дерлар.
Аҳди қарори барқарор, вафо унга ёр,
Муҳаббат сирларидан ўзи огоҳ, дерлар.
Нозик дид, ақл-фаросатига қолиб ҳайрон,
Гўзалга ортиқча сўз айтмоқ гуноҳ, дерлар,
Пойи қадами теккан ер саждагоҳ, дерлар,
Эй гўзал бағрингдан менга бер паноҳ, дерлар.

### ОРТАР-ТОРТАР

Ўйласам ёр жамолин дилда хумор ортар,
Хаёлин хаёл қилсам танда мадор ортар.
Чорласам ноз қилар, пинҳоний пардоз қилар,
Кўзларига термилсам, санам хушёр тортар.
Унга кўпдан ошноман, меҳрига ташнаман,
Лутф-карам кўрсатмас, жонга озор ортар.
Назокати таманносига ҳайрону лолман,
Жилваси ёдга тушса,тунда бедор ортар.
Ҳижроннинг адоғи, мунис ёр ардоғи бор,
Суҳбатларин тингласам, дилни такрор тортар.
Танлаганим дилрабо, овози оҳанграбо,
Ўзгаларга хушим йўқ, хуршиди дийдор тортар.
Кўпдир араз, фироғи, баъзан баланд думоғи,
Ноз-карашмалар қилса, ишқим яна ортар.
Муҳаббат мени гўзал ёр ёнига тортар,
Уни бир кўрмасам, дилда оҳу зор ортар

### ЖОНИМ НИСОР

Не бахтки, ёнимга жилмайиб дилрабо келди,
Кўкси тоғ, димоғи чоғ, моҳи само келди.
Атрофида айландим, сочларига бойландим,
Мени сархуш этиб, ажиб ишқий наво келди.
Дилрабо кўрсатса меҳр, топсанг қадр-роҳат шудир,
Азиз бошимни силаб субҳи сабо келди.
Ҳуру паридан зебо, гўзал барнодан аъло,
Ҳуснининг овозаси баланд моҳлиқо келди.
Садоқати ортиқ, севгиси менга тортиқ,
Муҳаббат тахтида ўтирган подшо келди.
Орзу қилиб юрганим, тушларимда кўрганим,
Жисму жонимни ёндириб, кўзи қаро келди.
Сабр қилдим, ҳижрон зарбаларин енга билдим,
Бахту иқболимни етаклаб вафо келади.
Мени васлига тўйдиргани таманно келди,
Ишққа жоним бўлсин нисор деган садо келди.

### УМИДИМ БОР

Термулиб қолдим пари руҳсорига,
Қанча боқдим, тўймадим дийдорига.
Ноз-фироқ қилди, мени кўп сўроқ қилди,
Тоқат қилдим дилбарнинг озорига.
Ёр васли муродим, кимга айтай додим,
Қайдан кирдим муҳаббат бозорига.
Орзу-ул пари, хаёлдан кетмас нари.
Осилиб қолдим баланд ҳижрон дорига.
Сайрларга чорладим, ёлвордим, зорландим,
Ризо бермас ул ошиқлар сардорига.
Қайдан чора топай ишқнинг оғир дардига,
Борми чора нигор васли хуморига?!
Ёнимдан ул бепарво, мастона ўтар,
Жавоб қилмай ўктам кўнглимнинг зорига.
Шукр қилдим дунёда шундай гўзал борига,
Умидим бор, бир кун қарар беморига?!

### ЖАННАТ ҲУРИ

Қирда ёнган лола дудоғин эслатар,
Боғда нақш олма яноғин эслатар.
Нозу назокатига доим хуморман,
Кўкда қора булут думоғин эслатар.
Хаёлимда ул ҳар он, ёз-қиш, кўп замон,
Аёз изғирини фироғин эслатар.
Излаб уни дунё кездим, рашкдан бездим,
Жаннат ҳури бошдан-оёғин эслатар.
Васлига доғландим, ишқига боғландим,
Чилвир сочи бўйнимда тузоғин эслатар.
Сайр боққа чиқса зора, гўзал бу оқшом
Шўх-шўх наволар хушнуд чоғин эслатар.
Фарҳоддек тоғ кесиб, муродга етмадим,
Қалбимни оч, дард-ҳасрат, доғин эслатар.
Қаддим ёйдир, севги сабоғин эслатар,
Субҳи сабо дилбар ардоғин эслатар.

**Неъмат ЁҚУБОВ.**









**Самарқанддаги болалар жарроҳлиги илмий даволаш маркази нафақат республикамизда балки ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам маълум ва машҳур. Сабаби бу ерда энг мураккаб операциялар моҳирона амалга оширилади. Марказ илмий ходимлари эса турли халқаро конференцияларда ўз изланишлари билан муваффақиятли иштирок этишмоқда.**

**_Суратларда: марказ раҳбари профессор Азамат Шамсиев; болалар жарроҳлиги марказидаги қайноқ лаҳзалардан лавҳалар._**

**_Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ, олган суратлар._**

## МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Бир нўноқ драматург таниқли артист Далматовга янги пьесасини ўқиб берипти.

— Қалай, маъқулми? — деб сўрапти муаллиф асарни ўқиб бўлгач.

Эснашдан зўрға ўзини тийиб ўтирган артист депти:

— Ростини айтсам, фақат асарингизнинг бир мисраси ёқди. "Парда тушади" деган сўнгги мисра.

**Карел Чапек трамвайда кетаётган экан. У ўтирган жойида чуқур хаёлга толипти. Назоратчи унинг ёнига келиб, билетини сўрапти. Чапек чўнтагига қўл солиптию, паришонхотирлик билан чўнтак соатини чиқариб, назоратчига кўрсатипти. Назоратчи ҳам паришонхотирлик билан бир неча дақиқа соатга қараб турибди-да, "узр" деб чекинибди.**

— Мен универсал эритгич топмоқчиман, — дебди бир йигит Эдисонга.– У суюқ жисмларни ҳам, қаттиқ жисмларни ҳам эритади.

–Универсал эритгич денг?— деб луқма ташлабди Эдисон,—уни қанақа идишда асрайсиз?

**Америкалик бир миллионер машҳур инглиз рассоми Тернердан сурат сотиб олипти. Аммо юз фунт стерлингга олинган бу суратни Тернер бор-йўғи икки соатда ишлаганини билиб, миллионер уни судга берипти.**

**Судя рассомдан сўрапти:**

**—Қани, айтчи, бу суратни қанча вақт ичида ишладинг?**

**—Бутун умрим-у, яна икки соатда,—деб жавоб берипти Тернер.**

Бир куни композитор Бородин хотини билан чет элга жўнапти. Чегарада паспорт текширадиган амалдор Бородиндан хотинининг исмини сўрапти. Паришонхотир композитор хотинининг исмини эслолмай, индамай тураверипти. Амалдор ҳар хил ўйларга бориб, унга ўқрайиб қарапти. Шу пайт хонага Екатерина Сергеевна кириб келипти.

— Катя! Қаёқларда юрибсан? Отинг нима эди?— дебди композитор енгил тортиб.

**Бир йигит Марк Твенга мактуб ёзиб, ота-онасининг ҳеч нарсани тушунмаслигидан шикоят қилипти. Твен унга жавоб йўллапти. "Сабр қилинг, мен ўн тўртга кирганимда, отам шунақа аҳмоқ эдики, бунга зўрға чидар эдим. Аммо йигирма бир ёшга кирганимда қарасам, отам етти йил мобайнида жуда-жуда ақлли бўлиб қолипти. Буни кўриб лол қолишдан бошқа иложим бўлмади".**

Маҳмадана ва сафсатабоз бир шоир Абдураҳмон Жомий ҳузурида мақтанди:

—Кеча тушимда Ҳизр пайғамбар оғзимга муборак тупугидан туфлади.

Жомий унга жавоб берипти:

—Бекор айтибсан. Ҳизр пайғамбар сенинг юзингга туфлаган. Оғзингни очиб турганинг учун тупуги оғзингга ҳам тушган бўлса керак.

*Шогирдлар каломи*

# ОЛИМНИНГ БАХТИ

**Гулмурод Ниёзов! Бу номни эшитганда нафақат ангренликлар балки Тошкент вилояти одамлари қалбида илиқ бир ҳиссиёт уйғонади. Сабаби домла, мана 32 йилдирки, Тошкент вилояти Давлат педагогика институтида талабаларга билим бериб келадилар. У кишининг қўлида дастлаб таълим олганларнинг ҳозир фарзандлари, набиралари Гулмурод Ниёзовни устоз дея эъзозлашади.**

Чунки илм мартабаси мартабаларнинг зўридир, деган гап шубҳасиз тўғри. Қайси ерда илму маърифат кучли бўлса, ўша ер бахт маскани ҳисобланади. Гўзал хулқ билан пайваста бўлган илм одамларни бахтиёр қилади, мартабасини баландлатади.

Гулмурод Ниёзовдай зукко инсон тер тўкаётган даргоҳда илм, маърифат кучли бўлганлиги туфайли ҳам бу ердан зеҳнли, малакали мутахассислар етишиб чиқмоқда. Уларнинг камолотида домланинг хизматлари беқиёс.

Донолар айтганидек, ўзи ҳақида ўйламай, фақат элга билим бериш ҳақида ўйлаган олим киши худди шамга ўхшайди. У ўзини ёндиради ва халқни зиёли қилади. Ушбу ҳикматни ўқиганимда хаёлимга доимо Гулмурод ака келади.

— Илмнинг чеки йўқ, қанча кўп ўқисанг билмаган нарсаларинг шунча кўпаяверади,— дейди устоз шогирдларию, талабаларга. Ўзлари эса бу қоидага доимо амал қилиб келганлар.

Домла асли Сариосиё туманида таваллуд топган. Самарқанд Давлат университетининг Метематика-механика факультетида таҳсил олган. 1963 йилдан то 1971 йилгача Сариосиё тумани мактабларида математика ва физикадан дарс берган.

1971 йилда Гулмурод ака Тошкент Давлат педагогика институтининг Ангрен филиалига ўқишга кириб, унинг Граждан ва саноат қурилиши факультетини 1976 йилда имтиёзли диплом билан тугатди. Шу йили уни малакали ва билимли мутахассис сифатида институтнинг Умумтехника факультетига ишга таклиф қилишди.

Энди Гулмурод Ниёзов учун билим чўққиларини эгаллаш сари изланиш даври бошланди. Устоз кўп йиллик самарали илмий изланишлари натижаси сифатида 1994 йилда "Бошланғич мактаб ўқувчилари меҳнатини меъёрлашда илмий-услубий тартиб қоидалар" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Устоз ҳамон ўзи билган, ўрганган, излаган, топган нарсаларидан инсонлар, эл баҳраманд бўлиши ишқи билан ёнади. У олий мактабда ишлаган пайтдан бери 30 дан ортиқ илмий мақолалари, 10 га яқин ўқув-услубий қўлланмалари ва рисолаларини нашр эттирган.

"Дарс самарадорлигини оширишда техник воситаларнинг роли", ("Ўқитувчи" — 1991), "Основы технологии дифференцированного практического воспитания младших школьников" (1994 йил. проф. Н.И. Бабкин билан ҳаммуаллифликда), "Педагогик амалиётларни ташкил қилиш ва ўтказишга оид методик кўрсатмалар" (2000 йил), "Узлуксиз таълим тизимига оид атамалар ва тушунчалар" (Ғофур Ғулом нашриёти. 2001 йил), "Педагогикадан лаборатория машғулотларини ўтказиш" ва бошқалар шулар жумласидандир.



Гулмурод Ниёзовнинг маънавий-маърифий йўналишда бой меросимизни тарғиб қилиш борасидаги ишлари ҳам талайгина. У Бобораҳим Машрабнинг "Мабдан нур" ва "Кимё" асарларини эски ўзбек ёзувидан жорий имлога ўгириб, нашр эттирди. Шунингдек, Саъдий Шерозийнинг "Раҳимо таржимаи Каримо" асарини, Хилватийнинг "Мавлуд ун-набий" манзумасини ҳам нашр қилдирди.

Гулмурод Ниёзовнинг кўп йиллик илмий-ижодий изланишлари ўз самарасини бермоқда. Ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда қўл келяпти. Шу сабабли ҳам устознинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 1985 йилда "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси", 1990 йилда "Меҳнат фахрийси" медали, 2001 йилда эса Юртбошимиз фармонлари билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Халқимизда "Олимлар гул кабидир. Улар билан ўтирсанг фойда оласан. Чунки гул ёнида ўтирган одамга гул ҳиди уриб қолади", деган гап бор. Кенг қамровли ва кўп қиррали билим соҳиби доцент Гулмурод Ниёзовнинг билим гули ҳидидан баҳраманд бўлганлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг орасида бир нечта фан номзодлари, ҳокимлар, хўжалик, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари бор. Олти фарзанд, саккиз набира олим отага муносиб бўлиш учун ҳаракат қилишмоқда.

Шоир айтганидек:

*Билим кишиларни улуғвор қилар,*
*Одамдан кетмайди то у ўлгунча!*
*Олтин, кумуш билан керилма зинҳор,*
*Бу иззат олтину кумуш тургунча!*

Ҳа, Гулмурод Ниёзов билими, меҳнати билан элда обрў топганлардан. Биз ҳам устозимизни қутлуғ 60 ёш билан муборакбод этиб, ҳурматли домламизга ёш авлодни билимли, маърифатли, етук инсонлар қилиб тарбиялашдек эзгу ишларига баракот, мустаҳкам соғлик, бахт, омад тилаб шундай деймиз:

***Қирчиллама ёшдир бу,***
***Юзга бир довон,***
***Умрингиз ижодингиз,***
***Этсин кўп давом.***

**Қурбонали ТОЖИБОЕВ,**
**Тошкент вилояти Давлат педагогика институти доценти вазифасини бажарувчи.**

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Т.О.ДАМИНОВ, А.Ғ.ҒУЛОММАҲМУДОВ, А.ЖЎРАБОЕВ, Р.Р.ҲАЙДАРОВ, К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Б.ТОШЕВ, Р.М.АЗИМОВ, Т.И.ЭРГАШЕВ, А.МАМАЖОНОВ, Ў.Ф.ЖЎРАЕВ, М.Б.РАҲМОНОВ, Н.НУРМАТОВ, Д.Ғ.ТОШМУҲАМЕДОВА, З.Т.ТЎРАҚУЛОВ (ўз мухбир).

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 136-53-14
Факс: (8.371) 133-41-89
Хатлар бўлими — 136-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 700, Адади 1896 Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Саҳифаловчи — Аслиддин Бўриев | Навбатчи— Вилоят Шодиева

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти—21.10.

• Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.